



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил
24 январь
ЧОРШАНБА
№ 7
(11.914)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нарҳда сотилади

ТЕХНИКА МАВСУМГА ШАЙ

Айни кунларда Тошкент вилоятида мавжуд техника воситаларини баҳорги экиш мавсумига тайёрлаш ишлари қизғин давом этмоқда. Янгийўл туманида эса бу борадаги ишлар ниҳоясига етказилди.

— Туманимизда ўн иккита мукобил МТП мавжуд, — дейди туман машина-трактор парклари акционерлик жамияти раҳбари Абдуҳамид Назаров. — Улар етти юздан ортиқ фермер ҳўжалигига хизмат кўрсатади. Шу кунларда қирққа яқин ҳайдов трактори, юздан ортиқ культиватор ва чопиқ трактори, қарийб етмишга яқин сеялка, мингга яқин борона шай ҳолатга келтирилди.

— Техниканинг марказлашган ҳолда таъмир этилиши ишмизни анча енгилаштирди, — дейди тумандаги "Темир полвон" фермер ҳўжалиги раҳбари Меҳмонали Темиров. — Чунки бу ерда барча шарт-шароит мавжуд. Шунинг учун фермерларнинг кўпчилиги ўз техника воситаларини шу

ерга келтириб таъмирлашди.
Бу йил тумандаги учта ширкат ҳўжалиги тугатилиб, тендер асосида фермерларга бўлиб берилди — уч минг гектардан ортиқ майдонда 55 та лойиҳа асосида фермер ҳўжаликлари ташкил этилди. Айни пайтда бу ҳўжаликларга хизмат кўрсатадиган инфратузилма субъектлари, жумладан мукобил МТПлар фаолиятини йўлга қўйиш ва баҳорги экиш мавсумига тайёрлаш ишлари бошлаб юборилди.

СУРАТДА:

Янгийўл туман МТП акциядорлик жамияти фаолиятдан лавҳа.
Абдувоси ХАЙДАРОВ (Ўза) олган сурат.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ СИНГАПУРГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Сингапур Республикаси Президенти Селлапан Рам Натаннинг таклифига биноан 2007 йилнинг 24-26 январь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Учрашувлар чоғида томонлар Ўзбекистон — Сингапур муносабатларини кенгайтиришга оид масалаларни, ўзарини қизқитириган ҳалқаро муаммоларни муҳокама қиладилар. Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини мустақмлашга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзолашни режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОИ

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида

2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кўламлигини янада кенгайтириш ва кучайтириш, аҳолининг муҳтож тоифалари ва оила-ларга, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга аниқ, табақалаштирилган тарзда ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш, аҳоли даромадлари даражасидаги фарқларнинг кескин ошишига йўл қўймаслик, жамиятда ҳам-жиҳатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини қарор топ-тириш бўйича аниқ мақсад-га йўналтирилган чора-тад-бирлар комплексини амал-га ошириш мақсадида:

1. Куйдагиларни кўзда тутивричи «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури 1-ило-вага мувофиқ тасдиқлансин: амалдаги ижтимоий ҳимоя тизими самарадор-лигини оширишга, аҳоли-нинг ижтимоий ночор қат-ламларига ёрдам кўрсатиш-да табақалашган тарзда ёндашишга қаратилган янги қонун ҳужжатлари ва нор-матив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амал-даги шундай ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартирлар кiritиш;

«Меҳрибонлик» уйлари ва ихтисослаштирилган мак-таб-интернатларнинг мод-дий-техника базасини му-стақамлаш, боқувчисидан маҳрум бўлган болалар тағрисида эътибор ва ғам-ҳўрликни қучайтириш, «Сен ёлғиз эмассан» мақсадида ва-зифасини ҳаётга аниқ таб-тиқ этиш;

аҳолининг ночор қат-ла-лари — муҳтож оилалар, но-гиронлар, ёлғиз қарияларни аниқ ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни қучай-тириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тадбирла-рини рўйбга чиқаришда ма-ҳаллалар ролинини ошириш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалда жорий этиш;

жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтириш чора-тад-бирларини янада қучурла-штириш, оналик ва болалик тўғрисида ғамҳўрликни қучай-тириш, аёллар соғлиги-ни мустақамлаш бўйича ишларни ташкиллаштириш ва «Соғлом она — соғлом фарзанд» ҳаракатини ҳар то-монлама рағбатлантириш, жумладан, мактабларнинг юкори синфлари, касб-хунар коллежлари, акаде-

мик лицейлар ва олий ўқув юртлари ёшлари ўртасида тушунтириш ишлари ва фа-культатив машғулотлар ўтказиш;
ижтимоий хизмат кўрса-тиш тизими, «Меҳрибонлик», «Саховат» ва «Мурувват» уй-лари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва муносиб баҳолаш механизмни та-комиллаштириш, уларнинг меҳнатини, шунингдек, уму-ман ижтимоий соҳа ҳодим-лари меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш даражасини ошириш;
ёш авлоднинг ҳаётий му-хим манфаатларини таъ-минлаш, ёшларнинг касб маҳорати ҳамда маънавий ўсишини моддий ва ахлоқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг бўш вақтларини қўнғилил ўтказишни ва спорт билан шуғулланишни таш-кил қилиш, ҳаётга қадам қўяётган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида-ги чора-тадбирлар комплекс-ини тайёрлаш ва амалга ошириш;

фахрийлар ва пенсионер-ларга ёрдам кўрсатиш дара-жасини янада ошириш, уларнинг давлат ва жамоат-чилик томонидан қўллаб-қувватлашнинг таъминлаш, муҳтожларга бегарз ёрдам бериш.
2. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг бажарилишини ташкил этиш ва унинг мониторин-гини олиб бориш Ўзбеки-стон Республикаси Президен-тининг 2006 йил 12 декабр-даги Ф-2632-сонли Фар-мойишига мувофиқ ташкил этилган Республика комиссия зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Матбуоти ва ахборот агентлиги, Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпанияси, ома-вий ахборот воситалари жамиятда эзгулик ва меҳри-бонлик муҳитини мустақ-камлашга алоҳида эътибор қаратган ҳолда «Ижтимоий ҳимоя йили»нинг мақсадла-ри ва аҳамиятини кенг қўлама тушунтириш, тад-бирларнинг амалга ошири-лишини, шу жумладан дав-лат ташкилотлари ва маҳал-лий ҳокимият органлари, ижтимоий ва нодавлат хай-рия ташкилотлари, ижтимо-ий таъминот муассасалари, шунингдек, айрим фуқаро-лар, маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар жамоалари қўшаётган аниқ ҳиссани мунтазам ёритиб боришни таъминласинлар.
3. Республика комиссия-си ва «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга ошириш бўйича Кен-гаш (Ш. Мирзиёев):

икки ҳафта мuddатда ва-зирликлар, идоралар, ҳўжа-ки биларламалари, Қора-қалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят-лар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир идора, аҳоли пунк-ти, туман, шаҳар ва минтақа бўйича «Ижтимоий ҳимоя

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри, 2007 йил 23 январь.

И. КАРИМОВ.

Ҳуқуқий суҳбатлар

ЭРКИНЛИКЛАР КАФОЛАТИ

Жаҳон мамлакатларининг конституциявий тарихий тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат ва жамият ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар моҳиятига қараб, Конституцияга ўзгаришлар, тузатишлар, давлат ва жамият ҳаёти янада демократлаштириш мақсадида қўшимча қондалар киритиб борилади. Демак, қонунларга ўзгартариш киритиш табиий ҳолдир.

Мустақил тараққийнинг ҳозирги босқичи талабларидан келиб чиқиб, Конституция-нинг 83-моддасига асосан Президентимиз томонидан қонунчилик ташаббуси тарти-бида «Давлат бошқарувини енгилаш ва янада демократ-лаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролинини кучайтириш тўғрисида»ги конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қўриб чиқиш учун киритилди.

Уларнинг қабул қилиниши Халқ демократик партияси, «Адолат» социал-демократик

партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Фидоқорлар» миллий де-мократик партияси, Тadbир-корлар ва ишбилармонлар харакати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг мамлакатни енгилаш ва де-мократлаштириш — фуқаро-лик жамиятини қуриш борасидаги мақсадларга изчиллик билан эришишда, давлат ва жамият қурилиши тизимида-ги роли ва аҳамиятини туб-дан кучайтириш, биринчи навбатда сайлов жараёнла-рида фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг хоҳиш-иродасини ифода этиш, улар-нинг марказда ва жойларда давлат ҳокимиятини шакл-лантириш масалаларида бе-

восита иштирок этишини таъ-минлашнинг ҳал қилувчи во-ситаси сифатида муҳим ўрин тугади.
Айни вақтда демократик ислохотларни қучурлаштириш зарурияти фуқароларнинг иж-тимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишни, демократик ҳуқуқий давлат қурилиши, иж-тимоий тараққийнинг бугунги реал ҳолати ва талабини ҳисобга олган ҳолда, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрнини қучайтиришга қаратилган янги қарорлар қабул қилиниши, ин-сон манфаатлари, хоҳиш иро-даси, фикрларини инобатга олишни тақозо этмоқда.
Ана шу талаблардан келиб чиққан ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган қонун лойиҳаларининг энг муҳим мақсадлари, авва-ло, жамият ҳаётида ижтимо-ий-сиёсий фаоллиқни янада оширишдан иборат. Фақат халқ иродаси, ўтказилаётган ислохотлардаги фаол иштиро-кига, уларни юртимизда

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда соғ-лиқни сақлаш тизими-ни ислоҳ қилиш дав-лат дастурига биноан қўллаб-ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

МАҚСАД — АҲОЛИ СОҒЛИҒИНИ АСРАШ

Бу борада айниқас, олис ва чекка ҳудудларда ҳам замона-вий асбоб-ускуналар билан жи-ҳозланган, ҳар томонлама қулай ва шинам қишлоқ врачлик пунктларига ишга туширили-ши аҳоли соғлиғини сақлашда муҳим омили бўлмоқда.
Ижтимоий ҳимоя йилининг илк кунларида Қибрай тумани-даги «Ўнқирғон» қишлоқ фуқаро-лар йиғинида янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. У саққиз миңдан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Мазкур шифо мас-канда физиотерапия, эмлаш, муолажа, акушер-гинеколог, кундузги стационар ва бошқа тиббий хоналари ишлаб туриб-ди.

Ушбу қишлоқ врачлик пунк-ти қурилишига юз миллион сўмдан зиёд маблағ сарфлан-ди. Бу ишлар «Турон-Замин Агро-рофайз» фирмаси ҳимойилиги-да амалга оширилди. Шунинг-дек, бу ерга олти миллион сўмликка яқин тиббий асбоб-ускуналар келтирилди.

— Айни пайтда туманимиз-да йигирма тўртта қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрса-тмоқда, — дейди Қибрай туман марказий шифохонаси бош шифо-кори Дилшод Хонназаров. — Уларнинг барчаси айни пайт-да тўлиқ кайта таъмирланди. Бешта қишлоқ врачлик пунктига янги тиббий ускуналар олиб бе-рилди. Бу йил ана шундай шифо масканлари сонини оши-риш, уларни тиббий жиҳозлар билан таъминлаш ишлари яна-да жонланади.

Шунингдек, жорий йилда учта қишлоқ врачлик пунктини оилавий поликлиникага айлан-тириш бўлиб кўрилмоқда. Бу ҳам тиббий хизмат кўрсатишни яна-да яхшилашга хизмат қилади.
Л. СУВОНОВ, Ўза муҳбири.

(Давоми 2-бетда).

Ангрендаги «Соғлом» кўр-го-нида жойлашган 27-умумта-лим мактабининг қишки спорт зали биноси ҳашар йўли билан тўлиқ таъмирланди.

ҲАШАР ЙўЛИ БИЛАН

Бунинг учун шаҳардаги хорижий сармоёга эга «Саноатқалиноқозсав-до» очик акциядорлик жамияти ҳамда «Ангрен-ПОП» нефть-транс-порт корхонаси томонидан зарур қурилиш материаллари ажратилди. «Ангрентаъмирлашсервис» масъу-лиятли чекланган жамиятидан жанб этилган қурувчи-пардозловчилар эса таъмирлаш ишларини тез ва сиф-атли адо этилди.

Мунаввара
РАЖАБОВА қизи.

КўНГИЛАРИ ШОД БўЛДИ

Ижтимоий ҳимоя йили муно-сабати билан «Камолот» ёшлар ижтимоий харакати Зағиота ту-мани кенгаши Назарбек, Хонобод, Иттифок, Қатортол қишлоқлари ҳамда Эшонгузар шаҳарчасида яшовчи 125 нафар кам таъминлан-ган оилалар, ногирон болалар ва фахрийлар ҳолдан хабар олиб, уларга совға-саломлар топширди.
Бу каби учрашувлар нафақат болақонларни, балки, кексаларни ҳам ҳушуд этди. Кенгаш бундай хайрли ишларни йил давомида амалга ошириб боришни режа-лаштирган.

Саид ҲАСАНОВ.

Диққат: банкдан ташқари айланмалар


МИНГ СўМ ЭМАС, МИЛЛИОН ТОП

аммо даромадлар қонуний бўлсин

Тadbиркорлик билан шу-ғулланувчиларга давлат то-монидан кенг имкониятлар очиб берилган бир пайтда, ноқонуний пул топши йўли-га ўтиб олаётганлар ҳамон учраб турибди. Бундай ўзбо-шимчиликларга чек қўйиш мақсадида, албатта, қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Хусусан, йўловчи ташиш билан шуғулланувчи тadbиркорлар юридик ма-қомга эга бўлган ҳолда уюшиб, тендер савдолари асосида йўналишларни қўлга киритмоқдалар. Бу жараён-ларда йўловчилар узогини яқин қилиб, уларга қулайлик-лар яратиш орқали ҳалол пул топишдан кўра кўпроқ ўз манфаатини уйлалдиган сох-

та тadbиркорлар эса сувнинг юзига қалқиб чиқиб қолмоқ-да.
Шу йилнинг 12 январь куни вилоят ҳокимлигида ўтказилган тендерда ҳам шундай бўлди. Унта йўналиш бўйича тендер савдоларида атиги учта талабгор аризаси қондирилди, холос. Қолган даъвогарларнинг таклифла-ри тендер талабларига жа-воб бермаганлиги учун сав-долардан четлатилди.
Масалан, 278-«Янгийўл шаҳар бозори — Навоий ширкат ҳўжалиги» йўналиши бўйича даъвогарлик қилган «Автомобилчи-Собижон» масъулиятли чекланган жа-миятининг тендер комиссия-сига тақдим этган ҳужжатла-

ри ўрганиб чиқилганида, ташкилотга қарашли транс-порт воситаларининг бир нечтасида уюшма томони-дан берилмаган лицензия-ларнинг йўқлиги, борлари ҳам бошқа юридик уюшма-га тегишлилиги аниқланди. Бундан ташқари, «Омад ШИТ», «Конкорд транс-сер-вис», «Ок йўл» каби уюшма-лар фаолиятда ҳам қатор нуқсонлар кўзга ташланди.
Солиқ бўйича ҳисоботлар суриштирилганда, баъзи ташкилотлар кундалик ту-шумини банкка топширма-лиги, арзимаган маблағ би-лан банк муассасаларини қалғитиб юргани аниқланди.
— Тендер жараёнларида комиссияни алдашга ури-



(Давоми 2-бетда).

Тошкент вилоятида ҳам ўтган давр мобайнида йрик санаот корхоналари билан ҳамкорликда уч мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.
Қибрай тумани меҳнат ва аҳолини

КАСАНАЧИЛИК БЕРАЎТГАН ИМКОНИАТЛАР

Президентимизнинг 2006 йил 5 январда қабул қилинган «Йрик санаот корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тад-бирлари тўғрисида»ги фармони қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини ошириш, янги иш ўринлари яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.
Тошкент вилоятида ҳам ўтган давр мобайнида йрик санаот корхоналари билан ҳамкорликда уч мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.
Қибрай тумани меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими-дан олинган маълумотга кўра, ушбу фармон ижросини таъминлаш мақса-дида тумандаги «Интер Рохат», «Кар-вон», «Афсар со.ЛТД», «БОУ со.ЛТД»,

Ўза.

Тошкент вилояти Фавкулда вазиятлар бошқармаси томонидан ташкил этилган кўмондонлик-штаб ўқув машқлари якунланди.

ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

Машқларни ўтказишдан мақсад фавкулда вазиятлар давлат тизими бошқармалари ва тегишли ҳарбий кўмондонлик идоралари ҳамда ўта муҳим объектларни қўриқлаш кучларига юклатилган вазифаларни бажариш борасидаги тайёргарлигини аниқлаш, ўзаро ҳаракатларни ташкиллаштиришга доир тадбирларни белгилаб олишди.

Ўқув машқларига Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг авария ва тиклаш ҳамда Тошкент вилояти фавкулда вазиятлар бошқармаси авария қутқаруручилари, Фавкулда вазиятлар вазирлигининг тез ҳаракат қилиш республика кўп тармоқли маркази, Ички ишлар бошқармаси жамоат тартибни сақлаш ва ёнгин хавфсизлиги хизматлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзбекэнерго», «Ўзавтотўй» давлат акциядорлик компаниялари ходимлари жалб этилди.

Улар шартли «душман» томонидан эгаллаб олинган ҳудудни тозалаш машқларида иштирок этди. «Жароҳатланганлар»га ўз вақтида тез тиббий ёрдам кўрсатилди. Тегишли кишлоқда сув босишининг олдини олиш, хавфдан аҳолини оғоҳлантиришга оид тадбирлар ўтказилди. Хавф остида қолган аҳоли зудлик билан хавфсиз жойга кўчирилди.

Машқлар фавкулда вазиятларда аҳолига ёрдам кўрсатиш лозим бўлган кўчаларнинг жанговар тайёргарлиги юқори эканлигини кўрсатди.

Х. САЛИМОВ, Ў.А. МУХБИРИ.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

ХАРИДОРЛАР МАМНУН

Оҳангаронлик ёш тадбиркор Музаффархўжа Саидкаримов иш бошлашдан аввал ўз олдига «Қандоқ қилсам, бойиб кетаман» деб эмас, «Нима қилсам халқимга фойда мегади?» деган саволни қўйди.

Кўпни кўрган, тажрибали одамлардан маслаҳат олди ва Оҳангарон шаҳри ҳамда атроф кишлоқ аҳолисининг эҳтиёжидан келиб чиқиб, шаҳарда «Мебеллар уйи»ни очибга киришди. Тез орада чиройли, замонавий, пештоқига «Мебеллар уйи» лавҳаси ёзилган бино қад кўтарди. Мустақиллигимизнинг 15 йиллик шодиёналари кунда тўй-тантаналар, янги қурилган иншоотлар, уй-жойлар учун зарур бўлган мебель жихозлари савдоси бошланди.

Бу ерда 15 га яқин ишчи ўринлари ташкил этилган бўлиб, мўъжазгина жамоада замонавий мебеллар ясаш, жиҳозлаш қизғин бормоқда. Ҳозирги кунда ётоқхона ва офислар учун юмшоқ мебеллар, ошхона жиҳозлари тайёрланаётир. Шунингдек, ўзларида тайёрланган жиҳозлардан ташқари хориждан келтирил-

учун битта диван ёки стол-стул олмақчи бўлсак, Тошкентга ёки Қўқонга борардик. Энди эса, бундай дўкон остонамиз тагида десак ҳам бўлаверади. Чунки, барака топгулар, уйимизга ўзлари келтириб беришмоқда, — дейди харидор Абдуғани Тўраев.

Албатта, ҳаммамнинг ҳам замонавий мебеллар, уй жиҳозларини наҳд пулга сотиб олишга имконияти бўлавермайдик. Шундан келиб чиққан ҳолда хусусий тадбиркор М. Саидкаримов маҳсулотларни истеъмол кредити асосида сотишни ҳам йўлга қўйди.

Хусусий тадбиркор етакчилигидаги жамоа бир қатор савобли ишларга ҳам бош-қош бўлмоқда. Оҳангарон «Саховат уйи»га, боқувчисиз қарияларга, кам таъминланган oilларга баҳоли қудрат мурувват кўрсатилляпти.

Ҳусанбой АВВАЛОВ.

СУРАТЛАРДА:

«Мебеллар уйи»нинг ички ва ташқи кўриниши. Муаллиф олган суратлар.



Умумтаълим мактаблари ўқувчилари фан олимпиадаларининг учинчи — вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда Олмалик ёшларининг галабасини алоҳида эътироф этиш жоиз. Уларнинг билим савияти йилдан-йилга охиш бо- раятганлигини йил сарҳисобла- рида ҳам кўриш мумкин.

— 2006 йилги вилоят босқичида олмаликлик уч ўқувчи биринчи ўринни эгаллаган бўлса, бу галги билимдонлик беллашувда 5 ўқувчимиз мутлақ галабада эришди, — дейди Олмалик шаҳар халқ таълими бўлими услубчиси Кумри Юсупова.

Билимдонлик танлови

ОЛМАЛИҚНИНГ ОҚИЛ ЁШЛАРИ

Дарҳақиқат, Олмалик ўқувчи ёшлари бу йилги олимпиададан фахрли ўринлар билан қайтишди. Инглиз тили бўйича иштирок этган Диана Ститанова биринчи ўринни эгаллаб, республика босқичига йўланма олди. Географиядан Екатерина Гаук, рус тилидан Анастасия Кузмина, физикадан Алёна Насирова ҳам юқори ўринларга кўтарилишди. 11-синфлар ўртасида немис тилидан Елена Цай, давлат тилидан Наргиза Шокирова, информатикадан Шерзод Муаллов, физикадан Антон Кравцов, 10-синф-

лар орасида рус тилидан Зулфия Қосимжонова, 9-синфлар орасида она тилидан Мафтуна Турсунбоева 2-ўрин, 11-синфлар ўртасида Сарвар Усаров чизмачилик фанидан, 10-синфлар бўйича Татьяна Богданова информатикадан, Абдор Комилов географиядан, 9-синфлар бўйича Алина Полева янглиз тили фанидан фахрли 3-ўринга муносиб топилди.

Нигора АБДУРАҲМОНОВА, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси.

Диққат: банкдан ташқари айланмалар

МИНГ СЎМ ЭМАС, МИЛЛИОН ТОП

Масалан, 228 — «Янгийўл бозори — Олмазор кўрғони» йўналишига даъвогарлик қилган ва тендер голиби деб топилган «Намуна-кафолат-сервис» хусусий корхонаси фаолияти комиссия аъзоларида шубҳа уйғотди. Ишчи гуруҳ корхона билан ақидан танишганда, шубҳалар бежиз эмаслиги маълум бўлди. Унда ишлар паллапартиш ташкил этилгани, тендер комиссиясига тақдим этилган таклифлар аслига тўғри келмаслиги аниқланди. Жумладан, учта автотранспорт воситасининг ишлаб чиқарилган санаси 9-10 йилга камайтирилган. Яъни 1996 йилда ишлаб чиқарилган «Дамас» русумли автомобиллар тендер таклифларида 2006 йил қилиб кўрсатилган. Бундан ташқари ҳаракат хавфсизлиги бўйича ҳайдовчиларни 30 соатлик дастур асосида ўқитиш йўлга қўйилмаган. Айти кунда корхона умуман фаолият юримаётганлиги маълум бўлди. Бу ҳолатга изоҳ сўраганимизда, уюшма раҳбари Абдор Ҳакимжонов шундай жавоб берди.

— Корхона яқинда ташкил этилган. Эндигина 12 та автотранспорт эгаси билан шартнома тўздиқ. Ҳайдовчиларимиз 228-йўналишда бир кун ҳам ишлар-ишламас ҳаракат хавфсизлиги ходимлари томонидан четлаштирилди. Улар бизда йўналиш бўйича шартнома йўқлигини рўқач қилишмоқда.

Корхона фаолиятидаги

Бундай сифатли хизмат

камчиликлар бўйича комиссия аъзоларининг раҳбарига берган қўллаб-саволлари жавобсиз қолди, мониторинг давомида сўралган айрим ҳужжатлар топилмади. Шундан ҳам билиш мумкинки, уюшма иши ҳали тўла йўлга қўйилмаган, камчиликлар кўп, ноқонуний ҳолатлар бисёр. Шунинг учун ишчи гуруҳ «Намуна-кафолат-сервис» хусусий корхонаси билан тендер шартномаси тузиш мақсадга мувофиқ эмас деган ҳулосага келди.

Тўғри, бунга юридик макорига эга уюшмалар ноқонуний фаолият юримапти, деган фикрдан йироқмиз. Масалан, Зангиота туманида рўйхатга ўтган «Бахтиёртранс» шўба корхонаси бошқаларга ўрнатқ бўла олади.

Айти кунда 40 дан зиёд жисмоний шахсни автомобил билан шартнома асосида ўзидан бираштираган корхона бир неча йўналишларда йўловчиларга хизмат қилмоқда.

— Ҳозирча ойига банкка 18-20 миллион сўм маблағ топшираямиз, — дейди уюшма раҳбари Мурод Ризаев. — Кейинчалик тушумни яна 20 фоизга кўтарамиз. Айти кунда солиқ ва бошқа тўловлардан ҳеч қандай қарзимиз йўқ.

Бундай сифатли хизмат

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари директорларини танлаш ва тайинлаш тартиби тўғрисида»ги Р-2145-сонли Фармойишига асосан қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директор лавозимига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Т/р	Таълим муассасаси номи	Манзили
1.	Қибрай тумани Тошкент давлат агрор университети қошидаги Академик лицейи	Қибрай тумани, Салар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 2-уй, Индекс 700152
2.	Олмалик шаҳар маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи	Олмалик шаҳар, «Намуна» жамоа хўжалиги, Индекс 702400

II. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Моҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамкорлигидаги 2005 йил 28 март 1461-сонли «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагогларни бўш лавозимларини эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисидаги низоимнинг янги таҳририни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига биноан қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган таълим муассаса директорининг ўринбосари лавозимига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Директорнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари лавозимига: Чирчиқ шаҳар ижтимоий-иқтисодий ва маиший хизмат КХК; Олмалик шаҳар хизмат кўрсатиш КХК; Қуйичирчиқ тумани агросаноат КХК.
2. Директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари лавозимига: Бўжа тумани агросаноат КХК; Янгибод радиотехника КХК; Олмалик кон-металлургия КХК; Тошкент тумани Кенсой кишлоқ хўжалик КХК; Қуйичирчиқ кишлоқ хўжалик КХК; Янгийўл шаҳар хизмат кўрсатиш КХК; Оҳангарон шаҳар маиший хизмат КХК.

3. Директорнинг касб-ҳунар таълими бўйича ўринбосари лавозимига: Оҳангарон шаҳар маиший хизмат КХК; Қуйичирчиқ тумани кишлоқ хўжалик КХК.
4. Директорнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари лавозимига: Олмалик шаҳар кон-металлургия КХК; Пскент тумани кишлоқ хўжалик КХК.

III. Танловда олий маълумотли, камида 5 йил олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида педагогик иш стажига эга бўлган, таянч маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган таёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин:

IV. Танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи номига ариза;
- Шаҳар (туман) ҳокимлигининг тавсияномаси (директор лавозимига номзодлар учун);
- Таълим муассаса директорининг тавсияномаси (директор ўринбосари лавозимига номзодлар учун);
- Сўровнома;
- Таржмаи ҳол;
- Маълумоти ҳақидаги ҳужжат ва унинг ксеро нусхаси;
- Илмий даражаси ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатлар ва уларнинг ксеро нусхаси (мавжуд бўлса);
- Илмий-услубий ишлар ва иختиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
- 4х6 ўлчамдаги фотосурат (6 дона);
- Номзоднинг таълим муассасасига раҳбарлик фаолияти бўйича иктиёрий шаклда ёзган режаси (концепция);
- Ҳарбий гувоҳноманинг ксеро нусхаси;
- Паспорт ва унинг ксеро нусхаси (турар жойи билан);
- Меҳнат дафтарчининг ксеро нусхаси.
- Олдинги ёки ҳозирда ишлаб турган иш жойидан тавсиянома.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида қабул қилинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Геофизика кўрғони. Телефон: 66-09-59.

2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили

Маънавий бойлик

Томчида кўёш акс этади деганларидек, миллатнинг фазилатлари унинг маънавий бойликлари билан белгиланади. Халқимиз азалдан меҳр-оқибатли, ҳамиятли. Айни шу фазилатлар – меҳр-мурувват кўрсатиш, инсон қадр-қимматини юқори қўйиш, муҳтожларга кўмакдош бўлиш, қоқилганларни сўяш фазилатлари ҳаёtimизда бутун моҳияти билан намоён бўлаяпти. Натижада жаmiяtimизда узаро ҳамжиҳатлик муҳити мустаҳкамланиб бораётир.

Бу жараён йўналишлари мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб пухта белгилаб олинди. Президентимиз 1993 йиллик «Биз доим меҳр-мурувват, меҳр-оқибат, юртимизда тинч-товуқлик, хотиржамликни сақлашга содиқ бўлиб қолаверамиз. Ватандошларимиз бир-бирларига ёлқош, аҳил-иноқ бўлиб яшашга, етим-есирлар, ногиронлар, қариялар ва болалар, қаровсиз ва муҳтож кишиларимизни ҳимояси ташкил қилишда ўзимизнинг кучимизни ва меҳнатимизни ҳеч қачон аямиймиз», – деб таъкидлаганларида қанчалик олсини уйлагандикиларини бугун ҳаммамиз идрок этиб турибмиз. Кейинги ўн йил қандай номлар билан аталгани ва шу йилларда амалга оширилган ишлар инсон манфаатлари, унинг эҳтиёжларини қондириш масалаларига қаратилганлигига ҳаммамиз гувоҳимиз.

ҚИЗҒИН ИШЛАШ ФАСЛИ

ниқса, кўп болали ва кам даромадли оилалар, кексалар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш, маънавий ва жисмоний баркамол еш авлодни тарбиялашга муттасил эътибор бериб, алоҳида ғам-хурлиқ кўрсатиб келмоқдалар. Хар бир йилни мақсадли номлаш, белгиланган вазибаларни амалий жиҳатдан бажаришни кўзда тутувчи давлат дастурларини ишлаб чиқиш, давлат ва жамоатчиликнинг бутун диққат-эътиборини уларда кўзда тутилган тадбирларни бажаришга йўналтириш ибратли, тахсинли анъанана айланди. Бу йил «Ижтимоий ҳимоя йили» деб номланганлиги жамики саъй-ҳаракатларини таъминлашга жўшқинлик бағишлаётганлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Президентимиз қасаба фаоллари

билан учрашувларда, Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерациясининг III қурултоғи қатнашчиларига мурожаатда бу энг оммавий ташкилотнинг «Ҳуқуқий давлатдан – оқили жамяти сари» шioriини амалга ошириш, демократик фуқаролик жамятини барпо этиш, ислохотлар дастурларида белгиланган вазибаларни рўбга чиқаришдаги ўрни ҳусусида билдирган мулоҳазалари, йўлиқларидики қасаба уюшмаларининг ҳозирги босқичдаги ҳаракат дастурига

аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига ҳомийлик ёрдами кўрсатишга йўналтирилган доимий узаро ҳамкорлик яхши самара берапти. Шунини айтиш қифоки, қасаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмасининг кенгаши аъзо ташкилотлар ва куйи бўғин қасаба қўмиталари билан биргаликда Ҳомийлар ва шифокорлар йилида 20 минг 467 кишига ўз маблаглари ҳисобидан 327,6 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатди.

булар асосан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва кўп болали оилаларнинг аъзолари, ёлғиз кексалар ва пенсионерлардир.

Айни пайтда ташкилотларимиз болалар уйлари, қариялар ва ногиронларнинг интернет уйлариининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, бу муассасаларда тарбияланаётган одамларни маънавий қўллаб-қувватлашда фаол иштирок этиштирилди. Бу муассасаларда миллий байрамлар тантанали ва мароқли ўтказилишига кўмаклашмоқдалар. Меҳнаткашлар, уларнинг оила аъзоларини дам олдириб, давонлаш, соғлигини тиклашга ҳам ҳар йили кўп миқдорда маблаг ажратилмоқда.

Ижтимоий ҳимоя йилида ҳам қатта-қатта мақсадларни мўлжаллаб, иш олиб бормоқдами. Шу кунларда бар-

ча бугун қасаба ташкилотларимиз ўз амалий ҳаракат дастурларини ишлаб чиқмоқдалар. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда вилоят қасаба органлари аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига моддий ёрдам кўрсатиш мақсадларига 250 миллион сўм маблаг сарфлашни кўзда тутмоқдалар. Шу билан бирга болалар муассасалари, махсус қариялар уйларидаги шароитларни яхшилашга, болаларни ёз ойларида дам олдириб, спорт-соғломлаштириш, маънавий тарбия, оммавий-маданий ишларни ташкил этишга эътиборни кучайтирадидлар.

Корхона ва муассасаларда жамоа шартномалари ҳамда келишувлар орқали ишловчиларни соғломлаштириш, иш жойларидаги шароитларни яхшилаш, айниқса, ишловчи аёллар учун имтиёзлар доирасини кенгайтириш бўрасидаги саъй-ҳаракатларимизни қизгин давом этираётимиз. Қасб касалликларига олдинги ходимларни, ногиронларни соғломлаштириш, уларга моддий ёрдам кўрсатишни кенгайтириш ишлаб чиқилаётган дастурларда қатта ўрин тутаётир.

Меҳр-мурувват кўрсатиш – ҳалқимизнинг азалий фазилати. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, ижтимоий ҳимоя йилида у янги, яна ҳам юқори даражада намоён бўлади. Бунга вилоятимиз қасаба ташкилотлари ҳам салмоқли ҳисса қўшади.

Муҳайё ТУЛАҒАНОВА,
қасаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси.

Шу азиз Ватан – барчамизники

ФАРЗАНДЛИК ТУЙҒУСИ

Истиқлолга эришиб, мустақил ва ривожланган Ўзбекистон давлатининг пойдеворини барпо этишга киришилган дастлабки пайтларда биз ўз олдимизга қўйган мақсадлар, кўзлаётган манзиллар, истиқболли режаларимиз баъзи қимсаларга ушалмас оруздек туюлганди.

Орадан ўн беш йил ўтиб, мамлакатимизда фуқаролик жамяти, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йилида биз эришяётган ютуқларимизни бутун дунё тан олаяпти. «Ҳеч қимга сир эмас, – деб таъкидлади давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида, – биз қўраётган янги жамяти, ҳаёtimизга тобора кириб келаётган янгилаштириш жараёнида, ислохотларнинг тақдирини ва келажagini, аввало, ҳалқимизнинг бу ўзгаришларни қўллаб-қувватлашига, жойларда шу борада одамларимизнинг фаолияти, уларнинг дунёқараши, онг тафаккуриининг юксалишига боғлиқ».

Аммо, миллий истиқлол мафқураси одамлар калбидан жой олиб, янги тафаккур шаклланиши, кишиларнинг дунёқараши ўзгариши учун вақт керак. Тақлиф этилаётган ва амалга оширилаётган ўзгаришлар нимага бераётганлигини, қандай натижаларга олиб келаётганлигини одамлар ўз ҳаёти мисолида, қундалиқ турмуши ва яшаш тарзида кўриб, иқдор бўлмас экан, хар қандай ташвиқот-тарғибот куруқ сўз бўлиб қолаверарди. Шу боис Юртбошимиз раҳбарлигида мамлакатимизда кучли ижтимоий сийбат амалга ошириб келинаёпти. Ийиларни мақсадли номлаш, ижтимоий ҳимоянинг аниқ йўналишларини белгилаб олиш ва ийрик-ийрик дастурларни амалга ошириш бу жараёнинг изчил меҳнатимизни ташкил қилишнинг асосий шартидир.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари қасаба уюшмаларини вилоят кенгаши, унинг қуйи бўғинлари ўз фаолиятларини шу мақсадга бўйсундириб, жамятини янгилаш, ислохотларни амалга ошириш вазибаларини рўбга чиқаришда тобора фаол қатнашмоқдалар. Аввало, асосий эътибор қасаба уюшмаси аъзоларини маънавий тарбиялашга, уларда ижтимоий фаолиятни кучайтиришга қаратилаётганлигини таъкидламоқчиман. Бу йўналишдаги ишларимизни маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари, «Маҳалла», «Нуроний» жағмаралари билан яқин ҳамкорликда олиб бораёламиз.

Вилоятимиз туман ва шаҳарларида «Адолат – фуқаролик жамятининг асоси», «Кучли давлатдан кучли жамяти сари» мавзуларида давра сўхбатлари ташкил этилмоқда. Малакали мутахассислар ва олимларнинг бу тадбирлардаги қишқирлари, мустақил Ўзбекистон давлати амалга ошираётган ички ва ташқи сийбат доир маърузалар иштирокчиларда алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.

Еки «Бағрикенглик – бизнинг йўлимиз», «Маҳалла жонқурлари» мавзуларидаги сўхбатларини олайлик. Мамлакатимизда яшовчи барча миллатлар мустақилликни мустаҳкамлашга, иқтисодиётини юксалтиришга қўшаётган ҳиссаларини маҳаллий мисоллар асосида таъриф қилиб бериш тингловчиларнинг онига чуқур таъсир қўрсатмоқда. Улар қўзланган мақсадларга фақат узаро товуқлик, баҳамжиҳатлик асосида эришишимиз мумкинлигини тобора чуқур англаб еттирилар.

Муассар ИСМОИЛОВА,
давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари қасаба уюшмаси марказий кенгашининг вилоят бўйича вакили.

Эхтиром
Хайрли анъана

Янги йил аҳолининг кам муҳофазаланган қатлами – ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, улар тўлақонли турмуш кеңиришларини таъминлаш борасида муҳим босқични бошлаб берди. «Эл-юртимизга кўп хизмати сингган, ҳозир ҳам ўзининг ҳаётий ўғиллари билан ибрат бўлиб келаётган муҳтарам фахрийлар ва пенсионерларимизнинг соғлом ва мазмунли умр кеңиришлари учун шароит яратиб бериш бўйича аввалги йилларда бошланган ижобий ишларимизни албатта давом эттираемиз, – дейди Президентимиз. – Бу ўта муҳим масала жамятимизнинг, барчамизнинг бурчимизга айланган даркор».

Бизнинг «ОКМК» очик акциядорлик жамятимиз рангли металлургия саноатининг мамлакатимиздаги энг йирик ва асосий корхоналаридан бири ҳисобланади. Уни қуриш, тиклаш, ишга туширишга неча ўн миңлаб кишиларнинг меҳнати сингган. Айтиш мумкинки, бу ерга кўчиб келиб, олмалиқлик бўлиб қолган неча-неча авлод кишилари Қалмоққир қониди мис ва руҳини бойитиш заводларида, йирик қўйиш печлари енида меҳнат қилишган.

Бугун кекса авлоднинг юзлаб намоёндалари кексалик гашитини сурмоқдалар.

Корхонамиз маъмурияти ва қасаба қўмитаси уларнинг турмушини яхшилаш масалаларига ҳамisha алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу ишни яна ҳам яхшилашда Президентимизнинг «2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарорлари муҳим омилга айланмоқда.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида бу борада бой амалий тажриба тўпланди. Аввало, корхонамизнинг 95 ўринли «Нуроний» нафақахўрлар уйида яқса-ёлғиз кексалар кўни мазмунли ўтказишлари учун ҳамма шароитларни яратдик. Миллий байрамлар муносабати билан бу ерда қариялар учун зиефатлар ташкил этиш ҳам яхши анъанана айланди.

Корхонамизда 52 йил меҳнат қилган Нина Тоқарева, руҳ бойитиш

КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ВА
ДАВР



ИЖТМОИЙ ҲИМОЯ
РАҚАМЛАРДА

- Вилоят қасаба ташкилотлари ўтган йили кам таъминланган ходимлар, пенсионерлар ва ногиронларга 327,6 миллион сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатди.
- Махсус болалар, қариялар ва ногиронлар муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қасаба ташкилотлари маблагларидан 26,9 миллион сўм сарфланди.
- Ишловчиларнинг 22 минг 354 фарзандини ёзги соғломлаштириш мақсадларига барча манбалардан 1 миллиард 650 миллион сўмга яқин маблаг ажратилди.
- Қасб ва ижодий танловлар, спартакиадалар ташкил этиш ҳамда ўтказишга қасаба ташкилотлари 2 миллион сўм маблаг сарфлади.

Самарасорлик

Инсон эҳтиёжи – муқаддас

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган маърузаларида Президентимиз Ҳомийлар ва шифокорлар йилида бажарилган ишларни умумлаштириб, эришилган натижаларнинг энг асосий омил жамятимизда меҳр-оқибат, узаро ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш бўлганлигини алоҳида таъкидладилар.

Соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, шифокорлик қабсининг нуфузини ошириш бўйича олдинги йилларда бошланган ишларимизни изчил давом эттириб, шу муддатда уларни янада юксак даражага кўтаришга эришдик.

Тармоқ қасаба ташкилотларимиз соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамжиҳатликда, айниқса, хавфли ва зарарли шароитда иш олиб бориладиган тиббий муассасалари, қаринини ва ўта хавфли касалликлардан муҳофазалашга қасб хизмат қилувчи марказий лабораторияларни замонавий асбоб-ускуналар билан тобора мукамал жиҳозлашга эришмоқда. Уларда ишловчи тиббий ходимларни ва шифокорларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш билан бораётир. Жумладан, шифохоналарда ходимлар учун дам олиш хоналари жиҳозланди.

Айни пайтда бевосита бошланган қасаба ташкилотларимизда тиббий ходимлар

орқали муассаса ва қасаба уюшмаси маблагларидан 611 та кам таъминланган ва кўп болали оила, 835 пенсионер, уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийларига жами 30 миллион сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳозирги пайтда ички ва ундан ортиқ фарзанди бўлган ходимларнинг меҳнат таътилияга ҳақ тўланадиган уч кун қўйиш берилаётир. Утган йили 201 тиббий ходими санаторийларда, 15 ходим дам олиш уйларида соғломлаштирилди. Шифокорларнинг 474 фарзанди ёни хушхоро жойлардаги оромгоҳларда ўтказди. Ижтимоий сугурта ҳисобидан шу ишлар учун 48,7 миллион сўмдан кўпроқ маблаг сарфланди.

Ижтимоий ҳимоя йилида қасаба фаоллари диққат-эътиборини ёрдамга эҳтиёж сезиб яшайдиган хар бир тоифанинг аҳолини атрофда урганишига, уларнинг қийинчиликлари, муаммоларини қондириш учун ҳамма чораларни қўришга қаратмоқдами. Соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларининг «Соғлом она – соғлом бола» ҳаракатидаги иштироки самарасини ошириш, уни маблаг билан таъминлаш мақсадида ҳомийлик саъй-ҳаракатларини кучайтиришда қасаба қўмиталари яна ҳам фаол иштирок этишмоқда.

Гўзал ТУХТАЕВА,
соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси.

Ҳомийлик Ва спорт

Соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва қарор топтиришда оммавий спортнинг аҳамияти катта. Бугунги кунда бу ҳаракатни ривожлантириш ва кенг тарқатишга ўзига хос «Бекобод мактаби» юзга келгани, унинг негизини металлургия спортчилар ташкил этишини алоҳида таъкидламоқчиман.

Корхонамизда спортнинг барча турлари билан шуғулланиш учун етарли шароит яратилди. Спорт-соғломлаштириш мажмуамизда металлургиялари учун турли жисмоний қишқир машқари йўлга қўйилган. Бу машғулотлар мобайнида у еки бу тур бўйича иқтидорли еш спортчилар танлаб олинди, энгил атлетика, футбол, волейбол, эркин кураш, таъзаанда бўйича профессионал жиҳатдан чиққиртилди. Уларнинг аксарияти вилоят ва республика тарма жамоалари тарихида йирик чемпионатлар ва халқаро мусобақаларда Ватанимиз шайини муносиб ҳимоя қилишар.

Шу боис биз спорт ишларини ривожлантириш билан муттасил шуғулланиб, бу йўналишдаги хомийлик фаолияти қўллаб-қувватлашга йўналтирилди. Яқунланган «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» бу борада айниқса салмоқли бўлди. Болалар спортини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатимиз еш спортчиларни махсус костюмлар ва спорт асбоблари билан таъминлаш, улар учун оммавий спорт уйлариини ҳамда мусобақалар ташкил этишни ўз ичига олди. «Соғлом-жон-полвоҳжон» спорт мусоба-

қасада металлургияларнинг болалари фаол иштирок этишди. Теннис кортимизда ўсимлар учун уюштирилган турнир ҳам қўллаб ёш, иқтидорли спортчиларни саралаб олишимизда кўл келди. «Отам, онам ва мен –

мусобақадда ички-хизматчилар, Бекобод шаҳри маҳаллаларининг спортчилари ўз куч ва маҳоратларини намойиш этидилар. Икки марта ўтказилган бу мусобақаларнинг ўзига қасаба қўмитаси 1 миллион 200 минг сўмга чемпионатлари, турли халқаро турнирларда тобора фаол қатнашмоқдалар. Шунини ҳисобга олиб, Олимпия уйлари тайёрлов маркази фаолиятини маблаг билан таъминлашга ҳам салмоқли ҳисса қўшаётимиз. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида, жумладан, Бекобод шаҳар курашчиларининг тарма жамоаси Банкок шаҳрида ўтган Осие ўйинларида, Ўзбекистон биринчилигида ва бошқа йирик мусобақаларда қатнашгани учун 5 миллион 590 минг сўм маблаг билан қўмаклашдик.

Соғлом турмуш тарзи бебаҳо маънавий бойлик. Уни таъминлашда спорт-соғломлаштириш ишларининг салмоғи катта. Қасаба ташкилотларимиз бу жиҳатни ҳамisha диққат марказларда тутадилар ва давлат идоралари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда унинг оммавийлигини таъминлаб, иқтидорли спортчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг маҳоратини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларни кучайтирмоқда. Бу ишларни 2007 – Ижтимоий ҳимоя йилида янада кенгайтираемиз.

Рустам ЕРМАТОВ,
«Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси қасаба қўмитаси раисининг ўринбосари.

Саҳифа материалларини Ўзбекистон қасаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бўлим мудирини Эйтиборхон РАҲМОНОВА ва «Тошкент ҳақиқати» муҳбири Жўра САЪДУЛЛАЕВлар тайёрлашди.

Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт

ЧЕМПИОНАТГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Ўзбекистон футбол федерациясида 2007 йили ўтказилади-ган Ўзбекистон миллий чемпионати ва мамлакат кубоги мусобақаларига қуръа ташланди.

XVI миллий чемпионатнинг олий лигасида иштирок этадиган 16 жамоа дастлабки тур учрашувларини 2 март куни ўтказди. Мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони — Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси биринчи ўинда Бекободнинг "Металлур" жамоаси меҳмони бўлади.

жамоаси ўз майдонида учинчи ўрин сохиби — "Насас" (Қарши) футболчиларига қарши майдонга тушади.

Шунингдек, олий лигада илк марта таълим тури сурайдиган дебютантлар — "Курувчи" (Тошкент) ва "Вобкент" (Вобкент) чемпионати ўзaro беллашув билан бошлайди. Ўзин "Вобкент" майдонида ташкил этилиши белги-ланган.

Колган учрашувларда куйидаги жуфтликлар беллашади: "Анджон"

(Анджон) — "Шўртан" (Фўзор), "Ло-комотив" (Тошкент) — "Туполан" (Са-риосиё), "Трактор" (Тошкент) — "Бу-хоро" (Бухоро), "Машъал" (Муборак) — "Навбахор-Наманган" (Наманган), "Қизилқум" (Зарафшон) — "Самар-қанд-Динамо" (Самарқанд).

Айни пайтда олий лиганинг бар-ча жамоалари мавсумга пухта тай-ёргарлик кўриш мақсадида асосий эътиборни таркибни кучайтириш, ўзур-машгулот йиғинлари ва синов-назорат учрашувларини уюштириш-га қаратмоқда.

ЎзА.

Профессионал бокснинг нуфузли йўналишларида хисобланган Жаҳон бокс уюшмаси (WBA) раҳбари-яти ўзбекистонлик боксчи Руслан Чагаев жорий йил-нинг апрель ойида ўта огир вазн тоифасида жа-ҳон чемпионлиги учун рингга чиқишни маъ-лум қилди.

Руслан Чагаев ўтган йилнинг 18 ноябрь куни америкалик Жон Руизни мағлубиятга учратиш, маъ-

УЮШМАНИНГ МУҲИМ ҚАРОРИ

кур йўналиш бўйича жаҳон че-пиони Николай Валуевнинг (Рос-сия) чемпионлик камарига рас-ман даъвогарлик қилиш ҳуқуқини қўлга киритган эди.

Профессионал рингда 45 мар-та жанг ўтказиб, барчасини ўз фойдасига ҳал қилган Николай Валуев ўзбекистонлик чарм қўлқоп устасига қарши ўтказила-диган жангдан олдин америкалик Жамил Маклайн билан куч сина-


шиб, техник нокаут билан мағлуб этди.

Энди Николай Валуев жорий йилнинг 15 апрелида ҳамюртимиз Руслан Чагаев билан жанг ўтказа-ди. Жаҳон бокс уюшмаси томон-лар жангини ташкил қилишга доир ҳужжатларни 9 февралгача имзолаши кераклигини маълум қилди.

Зоҳир ТОШХУҲАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Жажжи ҳижоляар

ШОҲТУТ БИЛАН ҲАЗИЛЛАШМАНГ



Ҳовлимизда ҳамма мева-дан бор, шу жумладан бир туп шохтўт ҳам. Пишади, териб еймиз. Аммо шохтўт билан эҳтиёт бўлиб муомала қилиш лозим, акс ҳолда у сизни қип-қизил «кон»га ботириши тур-ган гап. Қўл-юзларингиз, кий-имингизга сачраб шунақа бўяйдики, дабдурустдан кўрган одам кўржиб кетиши мумкин. Шунинг учун биз эҳтиёт бўлиб, махсус кийим кийиб, пишганларини танлаб, охира териб оламиз.

Ха, туларнинг шохи билан ҳазиллашиб бўлмайди...

ХОМТОК

Хар бир ўзбек кўрғонида-ги каби бизнинг ҳовлида ҳам бир-икки туп узумимиз бор. Хар йили кузда қирқаман, баҳорда эса тура хомтоғу шўра хомтоқ қилиб, керакисиз шохларини олиб ташлайман.

Узум ҳам анойи эмас, бит-тасини олиб ташласангиз, эр-тасига яна бошқа текинхўр шох ўсиб чиқаради, қуйиб берсангиз, ҳаммаёқни тутиб кетади. Шунинг учун хом на-даларини аёвсиз, шартта-шартта юлиб ташлашдан бошқа йўл йўқ.

Ха, ўзим бўлай деб ҳадди-дан ошганларнинг жазоси бундан бошқача бўлиши мумкин эмас.

Муҳтор ХУДОЙҚУЛОВ.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги то-монидан 2002 йилда «Шарқ» НМАК ОАЖга берилган АТ № 0297640 рақамли лицензия ва-ракиси йўқолганига сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Дочернее предприятие учеб-но-методической производ-ственной лаборатории «Запо-лавиу о'qitish vositalari va axborot texnologiyalari» Яккасаройского района г. Ташкента (ОКПО 18988687)

ЛИКВИДУЕТСЯ. Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня пу-бликации объявления. Телефон: 176-20-63.

«LARISA-TAOMLARI» хусу-сий корхонаси (ОКПО 18875638) «LARISA-TAOMLARI» маъсуляти чекланган жамия-тига айлантирилиши маълум қилади.

Вилот Хотин-қизлар кўмитаси «Наврў» жамгар-маси вилот бўлими раис-си Мухаббат Шоҳсуповага падали бурзуквори Ортиқхўжа отанинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия билдиради.

Вилот Хотин-қизлар кўми-таси Қўйичиқ тумани хожки-ми Уринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раис Хуршида Аб-дугафоровага онаси НОРЖОН аянинг вафоти муносабати билан чў-қур ҳамдардлиқ билдиради.

Одам ўздан қочолмайди. Чунки кўнгилни ташлаб ке-тиб бўлмайди. Шунингдек, инсон ўзи туғилиб ўсган ту-проқдан айро тушиши ҳам мушкул. Айро тушган орада соғинчинг юзини очади. Аксарият одамзод қирчиллама пайтда молу дунё, шону шавкат ҳақида ўйлайди. Умр поёнлаб боравергач эса, кўнгилда киндик қони томган тупроққа бўлган меҳр ҳар қандай туйғудан устун келади.

Қалам аҳли ҳам илҳомни аввало ўзи камол топган она табиат бағридан олади. Балки у сахародир, балки тоғу тош, мумкин тош кўча, тошдевор, шаҳар, хуллас қаер бўлмасин, кўз очиб кўрган маскандан улуг дарғоқ топиламас. Хар жойни азиру муқаррам қилгувчи шу туп-роқнинг эгзалари.

Усмон Бек Чоқол тизмалари бағрида ўзини таниган шоир. Уни хар тонг тоғлар саломини олиб тушаётган Ку-мушқонсой шовқини уйғотади. Оромини олган бўлоқлар, жилгалар саноксиз. Шабнамларни кўнгил билан сипқо-риб, тутқич бермас капалакка қаҳр қилмай, майсалар қошида тиз чўкиш учун дилнинг ўз дарёси бўлмоғи жоиз.

Усмон Бек дарёдил шоир. Унинг «Менинг тоғларим» деб номланган илк мўъжаз достони шоирни она табиат-га, нуर्वикор тоғларга бўлган меҳр чашмасидан бир том-чи холос. Томчи эса тома-тома кўл бўлур. Илк достони шоир укамга, шеърят шайдоларига муборак бўлсин!

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири.

МЕНИНГ ТОҒЛАРИМ

(Достон)

Хар тилнинг айтажак
сўзи бўлади,
Хар дилнинг кўражак
кўзи бўлади.
Менинг ҳашаматли
кўрғонларим йўқ,
Богларим, еллаган,
боғбонларим йўқ,
Лекин орин бермас
оҳларим бордир,
Юксақ бахтим-менинг
тоғларим бордир.
Менинг тоғларимнинг
балликлари бор,
Асалхўр, меҳрибон
айиқлари бор.
Қашқирлар изғийди
сўқмоқларида,
Тулқилар мизғийди
овлоқларида.
Енғоқлар қақади
олмаҳонлари,
Сорлар — тоғларимнинг
жонжагонлари,
Бўрсиқлар ҳамкона
жайралар билан,
Булбуллар ҳамнафас
савьялар билан.
Қорларга муҳрини
босай қоплонлар,
Тўқайларда йўлинг
тўсғай қобонлар.
Қирғовуллар қизгин
даврлар қурар,
Какликлар юзинга
потирлаб урар.
Бургўллар жудаям
юксақда учар,
Куёнлар хар одим,
қадамда учар
Мен билмаган минглаб
пийёлар шунда,
Хатто, жонбахш
меҳригиёқлар шунда.
Тогпийёз, дасторбош,
бўзбошлари бор,
Эҳ, уларнинг юзлаб
издошлари бор.
Хам ҳабиб, хам табиб
тоғлар мен учун,
Битган таърифларим —
оловдан учқун.

сачратадиган, осмонни йиғла-тиб, кўз ёшига юзларини юва-диган Чоқол тоғлари сари еларди.

Бирингиз паст,
бирингиз баланд,
Барингиз ҳам бир
жонга пайванд,
Чоқол чолга набира, дилбанд,
Табиатга виқор чўққилар,
Қилич тушса отлик сўқмоқлар,
Жарангидан титир сўқмоқлар,
Пинак бузамй турар бу чоғлар,
Гўёки сар, шункор чўққилар.
Тош қўқсида минг жароҳат, из,
Дард, огриқни қилмас асто хи-й,
Йўқ улларда чўқадиған тиз,
Марду мардонанвор чўққилар,
Биз пойидан жим-жим
борамиз,
Дил тўла дард сиз-сиз,
борамиз,
Осмон билан ерча орамиз,
Турар тантананор чўққилар.

Хар кимнинг эрқалангиси келади. Бола онага, ошпак ёрга, гул гулзорга эрқаланади. Агар сени суйғувчи, сена севилгув-чи нарсა бўлмаса, бу оламда яшамокнинг хожасти йўқ. Юра-гим жисимига эрқаланади.

Кўксимга бошимни қўлиб имла-гани-имлаган. Қаёққа борамиз эрмак, дейман унинг соғинчи-ни сўзсиз хис қилсам ҳам. Хо-сор қалбим кун чикар томонни кўрсатади. У ёқда эса, менинг Тоғларим яшайди.

Воҳаларни чўлларга боғлар,
Саҳраларни қулларга боғлар,
Гоҳ айирар икки водийни,
Шафқатли ҳам бешафқат тоғлар.
Шўх офтоби илгирар танни,
Салқини яйратар баданни,
Сийратин англатар Ватанни,
Белоев ва бесарҳад тоғлар.
Ёзда кишини соғиниб қолар,
Соғинчидан қирволар ёғар,
Пўстин, қалпоқ кийинг ўроқлар,
Хам машаққат, хам роҳат тоғлар.
Бу ерлардан ўтган кўл наби,
Кўл дарвешинг қаҳраган лаби,
Худди меңдек, худди мен каби,
Бесабр ва бетоқат тоғлар.

Кўкларда карсиллатиб ра-вов чайнаётган одамларнинг барчаси ҳам бу шифобахш усимликнинг қаерда ўсишини билармикан?! Сурасангиз «тог-да» дегувчи кўп. Бундан нари-га ўтмайди. Жонбахш равоч-нинг бутунлай йўқ бўлиб кети-шини ўйламай қоллаб юлиб келаётган, нафси йўлида пул-лаб бойиётган уйдаворлардан сўраса айтарди: «Равоч тош-лоқда ўсади. Япроқлари йир-риқ-йирриқ бўлади. Май ойла-рининг охирига бориб қип-қизил бўлиб гуллайди...»

(Давоми бор).

Агар, маданиятликни, замона-вийликни «очикликда», «яланғочлик-да» деб тушунса, фарб маданиятига кўр-кўрона тақлид қилаверса, фар-зандларимизга турли видеотасмалар-ни узлуксиз, бемалол кўришлари учун имкон яратиб қўйса, оқибати нима бўлишини ўйлаб кўраймикими?

МАЪНАВИЯТ

Маънавият ҳақида сўз борганида кўпинча таъсир кучи нисбатан кенг-рок бўлган телевидение кўрсатувлари, агар ўша ота, ўғилларнинг ҳам аввало аёл, она тарбиялаганини хисобга олсақ, тарози палласидаги мувозанат аксарият ҳолларда кимга боғлиқ эканлигини англаш қийин эмас.

Кўпинча, ўз ҳолига ташлаб қўйилган кўча болалари билан сўхбатлашиб қолсангиз, у тугилиб ўсган оила кўрғонининг тушини-ю, пойдевори нураб қолгани ёки хувиллаб, шамол ўйнаб юрганини ҳис этасиз.

— Онам Россияга кетган, буним билан яшаймиз, — дейди 15 ёшли Дилшод Хамроқулов.

Дилшод билан Чирчиқ шахрида учрашиб қолдик. Бозорда бегоналор-га кўмаклашиб топган пулига кун кўрар экан. Аввал интернетда ўқиган. Кейинчалик, каровисизлик оқибатида ўқишини ташлаб юборган. Дилшод онасини ёмон кўришини айтиб қолди.

Маълумотномадан: вилоятда ўтган йилнинг 11 ойи ичида 416 аёл ўз ола-сини ташлаб кетган. 281 аёл ўзгалар таъсирига берилувчан, иродаси заиф.

ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

Тошкент вилояти ҳудудида қатновчи шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўловчи ташиш йўналишларини 2007 йил февраль ойида бўлиб ўтадиган очик тендерда жойлаштириш жадвали

Вилоят ичида қатновчи шаҳарлараро ва ша-ҳар атрофи йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очик тендерлар ўтказилади. Очик тендерда мулкчилик шак-лидан қатти назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиловчан тартибда рўйхатга олин-ган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва ав-томобиль транспортда шаҳар атрофи, ша-ҳарлараро йўловчи ташишини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

Тендер ташкилчиси — Ўзбекистон Рес-публикаси Вазиранлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарорига асосан Тош-кент вилояти ҳокимининг 2006 йил 29 март-даги 98-сонли қарори билан тузилган вилоят комиссияси.

T/p	Йўналиш рақами	Йўналиш тури	Йўналиш номи	Тендер ўтказиладиган сана
1.	492 й.т.	Шаҳар атрофи	«Чингелди — Геофизика — ТТЗ»	23.02.2007 й.
2.	237 й.т.	Шаҳар атрофи	«Балиқчи — 16-шифоҳона»	23.02.2007 й.
3.	225 й.т.	Шаҳар атрофи	«Янгийўл бозори — Кушек кишлог»	23.02.2007 й.
4.	511 й.т.	Шаҳар атрофи	«Кйбрай ш/х 2-бўлим — Белоножко АШБ»	23.02.2007 й.
5.	584	Шаҳар атрофи	«Чиноз — Олмасор»	23.02.2007 й.
6.	588	Шаҳар атрофи	«Олмасор — С.Рахимов м.б.»	23.02.2007 й.
7.	590	Шаҳар атрофи	«Микроайон — Пахта заводи»	23.02.2007 й.
8.	432	Шаҳар атрофи	«Гуйтепа — Уртасарой»	23.02.2007 й.
9.	162	Шаҳар атрофи	«Тубтепа — Қўйлик АШБ»	23.02.2007 й.
10.	426	Шаҳар атрофи	«Уртасарой — Қўйлик АШБ»	23.02.2007 й.
11.	513 й.т.	Шаҳар атрофи	«Тараққий — ТошДАД»	23.02.2007 й.

Комиссия манзили: Тош-кент шаҳри,
Дадобоева кўчаси,
64-уй. Мўлжал: «10-АР3».

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-53-09.
Эълолар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билди-рувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўричилиги учун рек-лама ва эълон бе-рувчилар масъулдир.

Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.
1 2 3 4 5